



Бухоро вилоятини кичик ва ўрта бизнесдаги ўрни, вилоятдаги туманларнинг фаолиятидан келиб чиқиб ҳудудларни тоифаларга ажратиш.

*Тошкент давлат иқтисодиёт университети
“Бизнес бошқарув” кафедраси мустақил татқиқотчиси.*

Бозоров Ильёс Исомиддинович.

Ilyosbozorov1986@gmail.com

Аннотация

Мазкур мақолада миллий иқтисодиётнинг турли тармоқларида фаол бўлган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини фаолиятини ривожлантириши ва ҳудудларда кичик ва ўрта бизнесга қулай шарт шароитлар яратиш бериши.

Аннотация

В данной статье развивается деятельность малого бизнеса и субъектов частного предпринимательства, действующих в различных отраслях народного хозяйства, и создаются благоприятные условия для малого и среднего предпринимательства в регионах.

Abstract

This article develops the activities of small businesses and private businesses operating in various sectors of the national economy, and creates favorable conditions for small and medium-sized businesses in the regions.

Калим сўзлар

Миллий даромад кичик ва ўрта бизнес ривожлантириши, субсидия инновация тавар айланмаси инвестиция тавар айланмаси, макроиқтисодий барқарорлик, инвестор, ялпи ички маҳсулот, хусусий сектор, иқтисодий ресурслар, капитал.

Ключевые слова

Национальный доход развитие малого и среднего бизнеса, субсидия инновации тавар оборот невиданный оборот, макроэкономическая



стабильность, инвестор, валовой внутренний продукт, частный сектор, экономические ресурсы, капитал.

Keywords

National Income Development of Small and Medium Enterprises, Subsidy Innovation Tavar Turnover Unprecedented Turnover, Macroeconomic Stability, Investor, Gross Domestic Product, Private Bike, Economic Resources, Capital.

Кириш

Ривожланган мамлакатлар тажрибаси шуни кўрсатадики, давлатнинг ижтимоий-иқтисодий сиёсати марказида аҳоли фаровонлиги ва турмуш даражасини ошириш масалалари туради. Бугунги кунга қадар шаклланиб келган назариялар умумий ҳолда тадбиркорликнинг ривожланиши аҳоли фаровонлиги даражасининг ошишига имкон яратади, деган ғояни илгари суради. Шунга кўра, аксарият мамлакатларда тадбиркорлик фаолияти учун қулай шарт-шароит ва имкониятлар яратиш, уни ҳар томонлама қўллаб қувватлаш ва рағбатлантиришга эътибор қаратилади. Бироқ, айрим тадқиқотлар шуни кўрсатадики, мамлакатда тадбиркорлик фаолиятининг кенгайиши ва бунинг натижасида иқтисодий ўсишнинг юксалиши ҳар доим ҳам етарли даражада аҳоли турмуш фаровонлигининг ошишига олиб келмайди. Иқтисодиёти жадал ривожланаётган кўплаб давлатларда иш ўринларининг 70-80 фоизи шу соҳа вакиллари томонидан яратилмоқда. Барча нуфузли компаниялар тарихи ҳам айнан кичик ва ўрта бизнесдан бошланган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60сон “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги, 2021 йил 15 сентябрдаги ПФ-6314-сон “Тадбиркорлик субъектлари учун маъмурий ва солиқ юкини янада камайтириш, бизнеснинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2019 йил 14 майдаги ПФ-5718-сон “Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-



қувватлаш ва ҳимоя қилиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга қаратилган. Бухоро вилояти туманлари кесимида кичик бизнес учун мавжуд шароитларини аниқлаш мезонлари ишлаб чиқилди ҳамда ушбу мезон асосида вилоят туманлари тоифаларга ажратилди. Мазкур илмий янгилик Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 30 декабрдаги “Республика ҳудудларини тоифаларга ажратиш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлашнинг табақалаштирилган тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-287-сон Фармони ишлаб чиқишда фойдаланилган. (1-жадвал)

1-жадвал

Бухоро вилоятининг кичик ва ўрта бизнес субъектлари деҳқон ва фермер хўжаликларидан ташқари.

	2023					2024				
	Рўйхатга олинган	Фаолият кўрсаткич	Фаолият кўрсаткич	Янги ташкил қилинган	Тугатиш	Рўйхатга олинган	Фаолият кўрсаткич	Фаолият кўрсаткич	Янги ташкил қилинган	Тугатиш
Бухоро вилояти	32155	30082	2073	4413	1775	35545	27594	7951	5633	2341
<i>Туманлар</i>										
Олот	1122	959	163	150	71	1346	978	368	284	76
Бухоро	2460	2336	124	354	154	2608	1974	634	310	167
Вобкент	1720	1623	97	265	68	2057	1714	343	445	116
Ғиждуво	3504	3211	293	467	246	3879	2903	976	573	222
Когон	1886	1763	123	387	122	2063	1566	497	417	236
Қоракўл	1775	1562	213	241	46	2110	1430	680	480	147
Қоравул бозор	739	697	42	98	29	813	670	143	137	63



Пешку	1880	1762	118	223	78	2056	1580	476	347	169
Ромитан	2763	2645	118	384	141	3057	2620	437	555	262
Жондор	2231	2141	90	371	111	2564	2265	299	430	104
Шофиркон	1867	1731	136	256	109	2058	1592	466	299	112
Бухоро шаҳар	8884	8462	422	1059	496	9512	7271	2241	1116	513
Когон шаҳар	1324	1190	134	158	104	1422	1031	391	240	154

Юқоридаги жадвал маълумотларига қарайдиган бўлсак Бухоро вилояти ҳудудларида кичик ва ўрта бизнес субъектларида яратиб берган шарт шароитлар, туман раҳбарларининг тадбиркорларга кўмаклашуви ва уларга берилган давлат томонидан имтиёзларини тўлиқ фойдаланиши эвазига янги ташкил этилган тадбиркорлар субъектларини кўриш мумкин.

Бухоро вилояти ҳудудларини тоифаларга ажратиш.

2-жадвал

Бухоро вилояти	1-тоифа	Бухоро шаҳар
		Ғиждувон тумани
		Ромитан тумани
		Қорақўл тумани
	2-тоифа	Вобкент тумани
		Когон шаҳар
		Жондор тумани
	3-тоифа	Пешку тумани
		Бухоро тумани
		Шофиркон тумани
		Олот тумани
		Қоравул бозор тумани

Баҳолашнинг асосий мезонлари:

- янги ташкил этилган тадбиркорлик субъектлари ва яратилган иш ўринлари сони;
- товар (хизматлар)ни реализация қилиш бўйича айланманинг ўсиш суръати;



Кичик ва ўрта бизнеснинг йиллар кесимида улушини таҳлил қилганимизда 3-жадвалида маълумотларини шакллантирилди.

3-жадвал

Кичик ва ўрта бизнес субъектларининг иқтисодийдаги улуши таҳлили¹

Кўрсаткичлар	2019	2020	2021	2022	2023
ЯИМ	56,0	54,8	54,1	51,8	55,2
Саноат	25,8	27,9	27,4	26,0	25,9
Қурилиш	75,8	72,5	72,5	71,5	74,2
Бандлик	76,2	74,5	74,5	73,9	74,1
Экспорт	27,0	20,5	20,0	29,6	30,1
Импорт	61,6	51,7	45,3	49,4	49,8

Юқоридаги жадвал маълумотларидан ЯИМга нисбатан кичик ва ўрта бизнес 2019 йил 56 фоизни ташкил қилган бўлса 2023 йил 55,2 фоизга камайган. Бу фоизни камайишига сабаб кичик ва ўрта бизнес субъектлари фаолиятларини йириклашга мувофиқ бўлишган. (4-жадвал)

4-жадвал

Бухоро вилоятининг макроиқтисодий кўрсаткичлари²

	Ўлчов бирлиги	2018 й.	2019 й.	2020 й.	2021 й.	2022 й.	2023- йил январ- сентябр
Ялпи худудий маҳсулот	млрд.сў м	21928,4	28143,3	31 593,4	38 350,1	45 797,3	37 088,7
Саноат маҳсулоти	млрд.сў м	8601,2	14798,2	17574,4	20 772,1	27 245,2	22132,7

¹ www.stat.uz-сайт маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланди.

² www.stat.uz-сайт маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланди.



Истеъмол товарлари	млрд.сў м	3661,3	5311,1	6701,9	8 570,2	9 635,3	4 389,7
Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги 2)	млрд.сў м	17334,2	19436,2	24367,5	29 170,4	34 102,9	26 568,5
Асосий капиталга инвеститс иялар	млрд.сў м	9610,9	10366,6	12183,9	20 528,3	21 138,0	18 718,0
Қурилиш ишлари	млрд.сў м	3581,2	4368,1	5659,8	7 401,1	8 340,4	6 771,4
Чакана савдо товар айланмаси	млрд.сў м	8375,0	10309,2	12072,8	14 605,3	18 190,2	11 399,2
Хизматлар , жами	млрд.сў м	6 631,6	8 413,2	9 843,1	12 574,1	15 780, 0	13 726,3
Ташқи савдо айланмаси	млн. АҚШ. Доллор	911,3	1 259,4	831,2	1 080,9	1 227,7	894,6
Экспорт	млн. АҚШ. Доллор	187,2	265,8	231,1	312,1	310,2	223,9
Импорт	млн. АҚШ. Доллор	724,2	993,6	600,1	868,8	917,5	670,7



Салдо	млн. АҚШ. Доллор	-537,0	-727,8	-369,0	-556,7	607,3	-446,8
-------	------------------------	--------	--------	--------	--------	-------	--------

Манба статистика маълумотларидан олинган

Юқоридаги жадвал маълумотларига қарайдиган бўлсак Бухоро вилоятининг ЯХМнинг охириги 6 йилларини таҳлил қиладиган бўлсак 2018 йилда 22 млрд 2020 йилда 31 млрдни 2023 йилда эса бу кўрсаткич 37 млрд ташкил қилган. Истемол таварлари эса 2018 йилда 3661 млрдни 2020 йилда бу кўрсаткич 2 баробар ошганини кўриш мумкин демак 2020 йил пандемия шароитида бутун дунё мамлакатлари оғир пайтида худуднинг истемол таварларга бўлган талаби ошиб борганини таҳлил қилиш мумкин.

Адабиётлар таҳлили:

Бухоро вилояти худудларида кичик бизнесни ривожлантириб худуднинг иқтисодий салоҳиятини кўтариш ишсиз аҳолини иш билан таъминлаш Бухоро вилоятини туризм салоҳиятини янада ривожлантириш муҳим ўрин тутди. Худудларда кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришда бир қанча хорижий олимлар ўз илмий ишларида қуйидаги хулосага келганлар:

Жумладан, Р.Хизрич ва М.Питерслар тадбиркорлик – бу қийматга эга бўлган янгилик яратиш жараёни бўлиб, вақт ва ишчи кучини ўзлаштиради, ўзига молиявий, маънавий-ижтимоий жавобгарликни қабул қилишга, шахсий манфаатни қаноатлантиришга ва маълум даромад олишга олиб келади дея таърифлайдилар. Й.Шумпетар фикрича, “иқтисодий ўсишнинг негизида тадбиркорни ишлаб чиқариш омилларини янги комбинациясини ишлатишга, қўллашга бўлган интилиши ётади ва бу интилишнинг натижаси инновация, янгиликлар ҳисобланади”, дея таъкидлайди.

Б.Ю. Ходиев, М.С. Қосимова, А.Н. Самадов каби иқтисодчиларнинг мулоҳазаларига кўра “Тадбиркорлик муҳити асосан қуйидаги тўртта омил: ҳуқуқий, сиёсий, ижтимоий ва иқтисодий омилларнинг ўзаро боғлиқлиги натижасида амалга оширилади” У.В.Гафуровнинг илмий диссертациясида кичик бизнес ва тадбиркорликни давлат томонидан тартибга солиш, ишбилармонлик муҳитини кенгайтиришга доир масалаларга эътибор қаратилган.



Тадқиқот методологияси:

Тадқиқотнинг методологик асоси ҳудудларда кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш асосида ҳудуднинг иқтисодиётини ривожлантириш ва кичик ва ўрта бизнесда бериладиган имтиёзларини янадан такомиллаштириш туманларнинг иқтисодий ҳолати ва туман раҳбарларидан келиб чиқиб кичик ва ўрта бизнесга берилган имконият ва имтиёзлардан самарали фойдаланишни амалга ошириш ва туманларни кичик ва ўрта субъектлари таҳлил қилинган, тизимли таҳлил усулларида фойдаланилган. Кузатув методи орқали кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришда назарий ва амалий таклифлар ишлаб чиқилган.

Таҳлил ва натижалар:

Тадқиқот натижасида бизнинг фикримизча ҳудудда давлат томонидан берилган кичик ва ўрта бизнесга қулай ишлаш учун шароит яратиб бериш эвазига ҳудуднинг иқтисодиёти янада ривожланади.

Таҳлил натижаларига қарайдиган бўлсак вилоятнинг ҳудудларини 3 тоифага бўлиб туманларда олиб борилган кичик ва ўрта бизнес субъектлари фаолияти ўрганиб чиқиб кичик ва ўрта бизнеснинг йиллар кесимида улушини таҳлил қилинган ва юқори фаолият кўрсатаётган туманлар биринчи тоифага ва ўрта фаолият кўрсатаётган туманлар иккинчи ва учинчи тофаларга ажратилган.

Ҳудудни 2023 йилни таҳлил қиладиган бўлсак ўттиз икки минг бир юз эллик беш та тадбиркорлар рўйхатдан ўтган ҳамда ўттиз минг саксон иккита корхоналар фаолият кўрсатган. Фаолият кўрсатмаётган эса икки минг етмиш учтани ташкил қилган, янги ташкил этилган корхоналар эса тўрт минг тўрт юз ўн уч та тадбиркорлар фаолиятини бошлаган. Тугатилган корхоналар эса бир минг етти юз етмиш бешта корхона ўз фаолиятини тугатган. Бу корхоналарни тухталишига турли хил омиллар таъсир қилиши мумкин хом ашё етишмаслиги ва капитал ёки ресурсларни етишмаслиги сабаб бўлади. Ҳудуднинг туманлар аро ҳолатини таҳлил қиладиган бўлсак Шофиркон туманида 8462 та корхона ва Ғиждувонда эса 3214 та ҳамда Пешку туманида 2645 та корхоналар фаолият кўрсатган.

Ҳудуднинг 2022 йилда истемол таварлари кўрсаткичлари 4-жадвалига қарайдиган бўлсак истемол таварлари йиллар давомида ўсиб бориб бу кўрсаткич 9635 млрдни ташкил қилди. Қурилиш соҳасини қарайдиган бўлсак 2018 йилда Бухор шаҳар ва Бухоро туманларида уйга талаб юқори булгани учун тадбиркорларга жуда ҳам шарт шароитлар яратилди шу йилни ўзида 3581 млрд



кўриш мумкин. Шу билан бирга кўплаб корхоналар фолияти самарали ташкил қилиниб янги иш ўринлари билан тўлдирилди аҳолининг оилавий даромади ривожланиб борди. 2023 йилнинг 3 чи чорагида кўрилиш соаси 2018 йилда қараганда бу кўрсаткич қариб 6771 млрдни 2 баробарни ташкил қилди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022 - 2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сон Фармони. www.lex.uz
2. Хизрич Р., Питерс М. Предпринимательство или как завести собственное дело и добиться успеха. – М.: 1993, с. 26.
3. Шумпетер Й. Теория экономического развития – М.: 1982. С. 159
4. Ходиев Б.Ю., Қосимова М.С., Самадов А.Н. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик. Т.:ТДИУ.
5. Гафуров У.В. Кичик бизнесни давлат томонидан тартибга солишнинг иқтисодий механизмларини такомиллаштириш: иқт. фан. док. дисс. –Т.: 2017. – 309 б.
6. Ичитовкин Б.Н. Малые формы хозяйствования. – М.: «Экономика», 2006. – с. 11.
7. Рубе В.А. Малый бизнес: история, теория, практика. 2. М.: ТеИС, 2000. – с. 31
8. «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида» ги Ўзбекистон Республикаси қонунида; Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президентининг 2014 йил 7 апрелдаги ПФ-4609-сонли.